

Низомова Раъно Азиз қизи,

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги
хузуридаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш
ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти
“Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ижтимоий
тадқиқотлар” бўлими Бош мутахассиси

ТАЛАБА-ЁШЛАРНИНГ ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИДАН ФОЙДАЛАНИШИДА АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

УДК: 303.425.6; 316.776

НИЗОМОВА Р.А. ТАЛАБА-ЁШЛАРНИНГ ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИДАН ФОЙДАЛАНИШИДА АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Мақолада ҳозирги кунда ахборотга оид назариялар, ахборот-коммуникация технологиялар ва оммавий ахборот воситаларининг инсон онгига таъсири, талаба-ёшларнинг ўқув жараёнида Интернетдан фойдаланишининг салбий ва ижобий жиҳатлари ҳамда Интернет тизими билан боғлиқ муаммолар таҳлил қилиниб, хулоса ва таклифлар келтирилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: ахборот, ахборот шовқини, ахборот-коммуникация технологиялари, ахборот ва психологоик хавфсизлик, ахборот маданияти, дезинформация, киберхавфсизлик, Интернет, веб – бутунжаҳон тармоқ, Covid-19, ижтимоий тармоқлар, Global Digital.

НИЗОМОВА Р.А. ОБЕСПЕЧЕНИЕ ИНФОРМАЦИОННОЙ И ПСИХОЛОГИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ ПРИ ИСПОЛЬЗОВАНИИ СТУДЕНТАМИ ИНТЕРНЕТА: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ

В статье анализируются современные теории информации, влияние информационно-коммуникационных технологий и средств массовой информации на человеческий разум, плюсы и минусы использования студентами Интернета в учебном процессе, представлены проблемы, связанные с системой Интернета, а также приведены выводы и рекомендации.

Ключевые слова и понятия: информация, информационное взаимодействие, информационно-коммуникационные технологии, информационная и психологическая безопасность, информационная культура, дезинформация, кибербезопасность, Интернет, веб – глобальная сеть, Covid-19, социальные сети, Global Digital.

NIZOMOVA R.A. ENSURING INFORMATION AND PSYCHOLOGICAL SECURITY WHEN STUDENTS USE THE INTERNET: PROBLEMS AND SOLUTIONS

In the article are presented modern theories of information, the influence of information and communication technologies and the mass media on the human mind, the pros and cons of students using the Internet in the educational process, discussed problems connected with the Internet system, and some conclusions and recommendations are done.

Key words and concepts: information, information interaction, information and communication technologies, information and psychological security, informational culture, disinformation, cybersecurity, the Internet, web - global network, Covid-19, social networks, Global Digital.

Муаммонинг долзарблиги. Ҳозирги кунда давлатимизда ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсати ахборот ресурсларини янги ахборот тизимлари, технологияларини яратиш, ривожлантириш ва такомиллаштиришда дунё бўйлаб замонавий тамойилларни ўрганиб чиқсан ҳолда ўз миллий ахборот тизимини ишлаб чиқишига қаратилган.

Шу ўринда, таҳдидларнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Респубубласи Вазирлар Маҳкамасининг "Бутунжаҳон Интернет тармоғида ахборот хавфсизлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 5 сентябрдаги 707-сон¹ қарорига қўшимчалар киритилиши, муаммонинг долзарблиги ҳамда аҳоли, айниқса ёшларнинг маънавий ахлоқини назорат қилиш ва тўғри йўлга бошлашга қаратилган чора-тадбирлар жорий қилинаётганинг гувоҳи бўламиз. Эндиликда, қўшимчаларга асосан, тақиқланган ахборотни тарғиб қилувчи ва шу каби бошқа маълумотларни олиб ташлаш тўғрисида хабарнома юбориш тартиби белгиланди². Маълумотни олиб ташлаш рад этилган тақдирда – Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги судга мурожаат қилиши мумкинлиги ҳақида ҳам огоҳлантирилди.

Ҳозирги кунда социология ҳамда психология фани ва амалиётидаги мавжуд муаммоларни ҳал қилиш учун муайян ҳаракатлар қилинмоқда. Шу билан бирга, муаммо долзарблигича қолмоқда, чунки уринишлар асосан технологик характерга эга бўлиб, улар университет талabalariга салбий ахборот таъсиридан ҳимоя қилиш бўйича технологияларни ўқитиш контекстида олиб борилмоқда.

Илмий муаммонинг қўйилиши ҳам айнан шу билан боғлиқ бўлиб, талabalardan ахборот ва психологик хавфсизлик маданиятини шакллантириш, ахборотдан фойдаланишда танқидий фикрлаш, ахборотларни тўғрилигини текширишда бирламчи маълумотларга таяниш кераклигини, кўр-кўрана интернетдаги маълумотларга ишониш каби хатоликларга йўл қўймаслиги йўлида илмий ўрганишлар ҳали ҳам кам олиб борилгани, мавзуга доир амалий ўқув-қўлланмалар ва ахборот маданиятини тарғиб қилувчи чора-тадбирларнинг самарали амалга ошириш механизмлари ишлаб чиқилмагани кузатилиб, шу йўналишда изланиш-

¹ Электрон манба: <https://lex.uz/docs/3893085> (мурожаат сана: 10 февраль 2020 йил)

² Электрон манба: <https://t.me/huquqiyahborot/8777> (мурожаат сана: 10 февраль 2020 йил)

лар олиб борилиши заруриятини ошаётганинг намоён бўлиши билан боғлиқ.

Тадқиқот мақсади – талаба-ёшларнинг интернет тармоғидан фойдаланишида ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлашдаги муаммоларни ўрганиш ва уларнинг ижтимоий оқибатларини назарий ва амалий жиҳатлардан тадқиқ этишдан иборат.

Ахборотга оид назариялар таҳлили. Ахборот – бу тирик организмлар, электрон машиналар ва бошқа ахборот тизимлари томонидан идрок этилиши мумкин бўлган атрофимиздаги дунё, унда содир бўлаётган барча жараёнлар тўғрисида маълумотларнинг йиғиндиси³. Муайян контекстда маълум маънога эга бўлган фактлар, ҳодисалар, нарсалар, ғоялар ва тушунчалар тўғрисидаги билим⁴; коммуникация ва алоқа жараёнида бартараф этиладиган ноаниқлик (К.Шенон); ташқи дунёдан олинган ахборот ва унга мослашиш жараёнида мазмуннинг белгиланиши, ва шу ўринда, Н.Винер кибернетика соҳасида маълумот юбориши ёки қабул қилиш учун зарур бўлган, яъни тизимни сақлаш, такомиллаштириш, ривожлантириш мақсадида фаол ҳаракат, бошқариш учун фойдаланиладиган билимлар қисми, деб таъқидлайди⁵; хилма-хилликнинг кузатилиши (У.Эшиби); танловнинг эҳтимоллiği (И.Ялом); ахборотнинг ҳиссий назарияси (П.Симонов) кабиларни кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ⁶.

Ахборот технологиялари бугунги кунда шахснинг ахборот ва психологик хавфсизлигига асосий таҳдиддир. Ю.М.Кузнецова ва Н.В.Чудоваларнинг тадқиқотлари ушбу масалаларни тадқиқ этишга бағишинланган⁷. Унда янги ижтимоий вазиятда шахснинг ривожланиши асосида шахсда юз берадиган ўзгаришлар муаммолари кўриб чиқлади. Ю.С.Рысин замонавий телерадиоэшиттириш тизимлари ва ахборот технологоларни тадқиқ этишадиган билимларни кузатилишини көрсатади.

³ Электрон манба: http://economic-definition.com/Media/Informaciya_Information_eto.html (мурожаат сана: 2020)

⁴ Information technology — Vocabulary: knowledge concerning objects, such as facts, events, things, processes, or ideas, including concepts, that within a certain context has a particular meaning. ISO/IEC 2382:2015

⁵ Кибернетика, или управление и связь в животном и машине; или Кибернетика и общество/ 2-е издание. — М.: Наука; Главная редакция изданий для зарубежных стран, 1983. — 344 с.

⁶ Сиёсий матн таҳлили (методология, назария, амалиёт). — Т.: "Akademiya", 2010.

⁷ Кузнецова Ю.М., Чудова Н.В. Психология жителей Интернета. М.: Изд-во ЛКИ, 2008. 224 с.

гиялари соҳасидаги илмий ва амалий ютуқларни сарҳисоб қилди, электрон ахборот тизимларининг одамларга таъсир қилиш хавфини исботлади¹.

Илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, бугунги кунга қадар талабаларнинг ахборот маданияти ва психологик хавфсизлигини ривожлантириш муаммоларини юзага чиқариш ва ҳал қилиш учун зарур билимлар тўпланган. Хорижий мутахассислардан, М.Либицки, У.Швартай, Дж.Штейн мазкур масалага асосан ахборот уруши масалаларини илгари суриб уларни тадқиқ этганлар².

Ахборот ва психологик хавфсизлик маданияти фанлараро, яъни ҳуқук, психология, ахборот технологиялари ва маданиятнинг ўзаро таъсир соҳасига тўғри келади. Масалан, Л.А.Михайлов³ ва Р.М.Юсупов⁴ ахборот жамиятида шахсий хавфсизлик муаммосини, умуман, мамлакатнинг миллий хавфсизлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқдилар.

Замонавий оммавий ахборот воситалари ёрдамида шахсга ахборот таъсирини ўтказишида катта имкониятлар мавжуд. Дарҳақиқат, бугунги кунда оммавий ахборот воситалари аҳолининг ҳар куни, ҳар соат, ҳар хил мафкуравий қарашлар сингдирилаётган мамлакат, минтақа ва дунёдаги жараёнлар тўғрисида маълумот оладиган деярли ягона тузилмадир. Бугунги кунда Ўзбекистондаги оммавий ахборот воситалари жамиятдаги вазиятни барқарорлаштирувчи куч сифатида ҳам, ижтимоий портлашнинг детонатори сифатида ҳам ҳаракат қилиши мумкинлигини инкор этиб бўлмайди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда ахборот ва психологик хавфсизлик маданияти қатъий, илмий асосланган тушунча сифатида мавжуд эмас, гарчи уни шакллантириш ва моҳиятини аниқлаш зарурати нафақат амалда (ахборот жамиятидаги салбий тенденцияларнинг кучайиши, ўзгарувчан таълим парадигмаси ва мутахассисга янги талаблар), балки назарияда ҳам кузатилиши мумкин. Шахсий хавфсизлик, хавфсизлик маданияти, ахборот

ва психологик хавфсизлик, ахборот хавфсизлиги маданияти, умуман ахборотга тегишли масалаларни кўриб чиқишида комплекс ёндашишга имкон беради. Ёшлар ўртасида касбий таълим олиши мобайнида, бўлажак мутахассисларнинг ахборот маданияти ва психологик хавфсизлигини ривожлантириш ахборот ва психологик хавфсизликни таъминлаш йўлида асосий усуllibардан биридир.

Ёшлар ҳаётида Интернетнинг ўри. Юқоридаги сўзларимизни асослаш юзасидан, ўқув жараёнини осонлаштириш учун Интернетдан фойдаланувчи талаба-ёшлар йўл қўяётган хатолар ва келажакда дуч келиши мумкин бўлган муаммоларни, шунингдек, таклиф этилган ечимларнинг истиқболларини таҳлил қилиш ўринли, деб топдик. Маълумки, бугунги кунда талаба компьютерсиз ўқув фаолияти билан шуғулана олмайди. Компьютер билан алоҳа мактабдан бошланади, ўқувчилар компьютер технологияларининг асосларини ўрганадилар, Интернетнинг таълим вебсайтлари билан танишадилар. Коида тариқасида, университетга киришда кўпгинаabituriентлар аллақачон компьютер билан таниш, ва уларнинг аксарияти ахборот технологиялари, яъни компьютер, ноутбук ёки планшетга эга.

Талаба ўқитувчи томонидан дарсликларда кўрсатилган ва тавсия этилган ишончли манбалардан фойдаланиши керак. Аммо, улар ўқув жараёнини осонлаштириш учун аксарият ҳолларда университет, миллий, электрон кутубхоналардан ёки таълимга оид расмий сайклардан эмас, балки Интернетдаги ҳимояланмаган маълумотлардан фойдаланадилар. Шахсий компьютер билан қуролланган замонавий талаба Интернетда нима ва қаерда эканлигини яхши билади. У моҳирлик билан навбатдаги уйга вазифани, мустақил таълимга берилган иншо, реферат, курс лойиҳаси, диплом иши ва бошқалар каби вазифаларни кўчиради. Кўпинча фақат исм ва гуруҳ рақамини кўрсатади ва бироз таҳrir қилганидан сўнг, у принтерда чоп этади ва «ўз ишини» ўқитувчига топширади⁵. Мактаб даврида ушбу усул қўл келиши мумкин, бироқ, университеда ўқиш янада жиддий ёндашувни ва турли хил аниқ фанларни чуқурроқ ўрганишни талаб қиласди. Шу маънода, Интернет энди ишончли маълумот манбаи бўла олмайди ва қайсиadir маънода зарарли ҳисобланади.

¹ Рысин Ю.С. Социально-информационные опасности телерадиовещания и информационных технологий. М.: Гелиос АРВ, 2007. 272 с.

² Libicki M. What is information warfare? – <http://www.ndu.edu/>, 15.07.04г; Schwartau W. An Introduction to Information Warfare // War in the information Age. New Challenges for US Security Policy. – Washington etc., 1997; Stein G. Information War – Cyberwar – Netwar // http://www.infowar.com/mil_34i/stein1.html-ssi, 21/05.04.

³ Михайлов Л.А. Основы национальной безопасности : учеб. пособие. М.: Академия, 2008. 270 с.

⁴ Юсупов Р.М. Наука и национальная безопасность. СПб.: Наука, 2006. 290 с.

⁵ Кузнецов И. Н. Интернет в учебной и научной работе: Практическое пособие. – 2-е изд. – М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и Ко», 2005. – 192 с.

Шу билан бирга, олий таълим муассасасида ўқиш мобайнида, бу эса нақд 4 йил давом этади, талабанинг дангасалиги бир неча баробарга ортади ва бу ёндашув келажақда касбий ҳаётда муваффақиятга эришиш эҳтимолини камайтиради. Таъкидлаш жоизки, аслида плагиат, яъни кўчирмакашлик амалиёти Ўзбекистон ва Россияда Ғарбга қараганды анча кенг тарқалган бўлиб, бу Ғарб университетлари битирувчилари билан рақобатда нуфузли ишга эга бўлиш имкониятини пасайтиради.

Рақобатчилик мұхитида муваффақият қозониш учун жуда катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлашни ўрганиш, ёзма ишларнинг намуналарини кўриш, уларнинг заиф ва кучли томонларини таъкидлаб, бошқа бирорнинг матнидан энг мұхим қисмини «ажратиб олишга» ҳаракат қилиш керак. Олинган скелетга асосланиб, талаба керакли ишни қандай яратишини ўрганиши керак. Аслида, маълумотлар билан ишлаш Интернет оммалашиб кетишидан олдин кутубхоналарда китоблар ёрдамида амалга оширилган. Текширилган, фундаментал маълумотлардан фойдаланишни ўрганишда ўқитувчининг иши жуда ҳам мұхимдир, чунки у талабани тўғри йўналтириши, Интернетдан фойдаланишни тақиқламай, балки ундан фойдаланиш бўйича кўрсатмалар бериши лозим. Масалан, қидиравни торайтириш учун ўқитувчи маълум ахборот манбаларини маслаҳат бериши мумкин, шу билан бирга талabalарга ўқув материаларни қандай тайёрлашни ўргатади ва мослаштиради, тўғри ва нотўғри маълумотларни фильтрлашни ўрганишга ёрдам беради.

Ўзини ўзи тарбиялаш нуқтаи назаридан, талаба ва умуман бутун жамият ахборот инқирози муаммосига дуч келмоқда¹. Ахборот инқирози «ахборот очлиги» ва «ахборот портлаши» зиддиятининг бирлигидан, яъни ахборотни ортиқча ишлаб чиқариш туфайли вужудга келган маълумот етишмовчилигидан келиб чиқади². Инсон фаолиятининг маълум бир соҳаси тўғрисидаги маълумотларнинг ҳажми инсон миясининг имкониятларидан ортиб кетади³. Шу сабабли, ахборотни тизимлаштириш, тартибга солиш ва фильтрлашда шовқин кучайиб бормоқда.

¹ Соломенчук В. Г. Интернет: Краткий курс. СПб.: Питер, 2001 – 322 с.

² Электрон манба: URL: <http://ru.wikipedia.org/wiki/Интернет> (мурожаат сана: 2020)

³ Электрон манба: URL: <http://ru.wikipedia.org/wiki/Информация> (мурожаат сана: 2020)

Интернет фойдаланувчиларининг ахборот ресурслари га кириш эркинлиги давлат чегаралари билан чекланмаганлигига қарамай, тил чегаралари сақланиб қолмоқда. Интернетнинг асосий тили - бу инглиз. Иккинчи энг машҳури – рус, учинчи ўринни эса – хитой тили эгаллайди⁴. Шу муносабат билан чет тилларини, биринчи навбатда инглиз тилини биладиган талаба кўпроқ маълумотга эга бўлади.

Шахснинг ахборот ва психологик хавфсизлиги масалаларини кўриб чиқишида мұхим аҳамиятга эга бўлган Интернет хусусияти мавжуд. Бу Интернетда ҳеч қандай бошқарув ёки назорат қилувчи орган ҳамда ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишининг аниқ тизими мавжуд эмаслиги билан боғлиқ. Интернетда жойлаштирилган маълумот учун жавобгарлик аслида муаллифга, кўпинча номаълум шахсга ёки провайдерга юкланмайди⁵. Шу сабабли, Интернет – инсониятнинг ҳар қандай катта ихтироси сингари, шахснинг ривожланиши, турғунлиги ва таназзулини белгиловчи мұхим омилдир.

Интернет – жадал ривожланаётган тизим сифатида. Ахборот технологияларининг дунё миқёсида кескин ривожланиши, Интернет тизимнинг барча давлатлар, маданий ҳудудлар, барча ёшдаги инсонлар учун қулай ахборот алмашинуви воситасига айланиб бораётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Таъкидлаш жоизки, 2021 йилда глобал тармоқ 32 ёшга тўлди. Фойдаланувчилар ўрнатилган мобил иловалар орқали баъзи онлайн ҳаракатларни амалга оширишларига қарамай, дунё бўйлаб кўплаб инсонлар вебни Интернетнинг синоними сифатида қабул қиласидар. Аслида, Интернет ва World Wide Web ўртасидаги фарқ жуда катта, шунингдек, иккисининг фаолияти узвий тарзда боғлиқ. Интернет деярли 20 йил олдин пайдо бўлган: компьютерлар ўртасида алоқа ўрнатишга имкон берадиган протоколлар тизими Американинг DARPA агентлиги мутахассислари томонидан 1960 йилларнинг охири ва 70-йилларнинг бошларида ишлаб чиқилган.

Global Network асосида ишлайдиган World Wide Web-нинг яратилиши Интернет тарихида янги босқични бошлаб берди ва унинг ривожланишига турткি бўлди. Агар Интернет сайёрамиздаги миллионлаб компьютерларни бир-бирига

⁴ Электрон манба: URL: <http://ru.wikipedia.org/wiki/Интернет> (мурожаат сана: 2020)

⁵ Смолян Г.Л. Сетевые информационные технологии и проблемы безопасности личности // Информационное общество. 1999. № 1. С. 21–25.

боғлаб турадиган улкан тармоқ бўлиб, маълумот алмashiш учун хизмат қилса, web бу маълумотни алмashiш усулларидан бири ҳисобланиб, ўзаро боғлиқ бўлган катта ҳажмдаги электрон саҳифаларни бирлаштиради. Интернет бутунжаҳон тармоғининг ишлашини таъминлаш билан бир қаторда электрон почта ва турли хил тезкор хабарлардан фойдаланиш, шунингдек, FTP протоколи орқали файлларни узатиш имконини беради¹.

Халқаро электрон тармоқ иттифоқи маълумотларига кўра, биринчи миллиард Интернет фойдаланувчисини аниқлаш учун 16 йил керак бўлди. Тармоғнинг иккинчи миллиард фойдаланувчилари эса атиги 6 йилда қўшилди. Бугунги кунда Интернет 2,7 йил ичida 1 миллиард янги фойдаланувчilar тезлигига ўсмоқда.

Хозирги кунда юртимизда фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситаларининг сони қарийб 1200 тага етиб, нодавлат матбуот нашрлари, радио, телевидение фаолияти жонланди, уларнинг Интернет глобал тармоғига кириш имкониятлари кенгайди². Дунё бўйлаб интернет тармоғида, 2021 йил январь ҳолатига нисбатан 1,83 миллиард сайтлар мавжуд. Маълумот учун, 1991 йил 6 августда info.cern.ch жаҳондаги энг биринчи веб-саҳифа нашр қилинган³.

Психологик операциялар манбаатларида электрон оммавий ахборот воситалари ва Интернет глобал компьютер тармоғидан тобора кўпроқ фойдаланилмоқда. Интернетдан фойдаланиш доираси жуда кенг. У жамоатчилик фикрини шакллантиришга, сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий қарорларни қабул қилишга, душманнинг ахборот ресурсларига таъсир кўрсатишга ва маҳсус тайёрланган маълумотни тарқатишга (нотўғри маълумотлар) таъсир кўрсатиш учун кенг имкониятлар яратади⁴.

Анъанавий воситалар қаторида Интернетдан фойдаланишнинг муҳим афзаллilikлари қўйидаги

омиллар билан боғлиқ: оперативлилік, даромадлилік, таъсир ўтказиш манбанинг маҳфиилиги, дунёнинг турли минтақаларида ахборот тизимларига таъсирнинг узоқлиги, ахборотни тақдим этишнинг комплекслилiği ва уни идрок этиш, ахборотга эга бўлиш осонлиги⁵. Шундай қилиб, замонавий психологик операцияларда Интернетга кўпроқ ёки камроқ тобе бўлиш мумкин, аммо буни мутлақо инкор этиб бўлмайди⁶.

Замонавий жамиятда ижтимоий тармоқларининг аҳамияти. Ижтимоий тармоқлар – норозилик кайфиятини фаоллаштириш, намойишчилар ҳаракатларини мувофиқлаштириш ва воқеалар тўғрисида халқаро ҳамжамиятни хабардор қилиш манбаатларида ишлатиладиган янги замонавий воситадир.

Интернет-манбалар орқали манипулятив ишларни олиб бориш йўлида маҳсус яратилган сайтлар ва улардаги рекламалар; ижтимоий тармоқлар, форумлар, суҳбатлар; ҳозирги кунда ўта таниқли бўлмиш тарқатма материаллар ("рассылка"), "Телеграмм-груп" ва "Телеграмм-канал"лар, Инстаграм ва Фейсбук саҳифалари долзабрлиги тобора ошиб бормоқда. Шунингдек, Facebook ва Twitter ижтимоий тармоқларидан фойдаланувчilarнинг электрон почталари ва уали телефонларига норозилик акциялари тўғрисидаги хабарларни юбориш орқали тегишли танқидга қўшилган оммани керакли вақтда ва керакли жойда тўплаш имконини беради.

Шу ўринда, 2020 йилда энг кенг тарқалган TikTok ижтимоий саҳифасини таъкидламасликнинг иложи йўқ. App Store ва Google Play иловалар платформаларида уали телефонларга энг кўп юклangan бепул иловалар рейтингида йилига 63,3 миллион маротаба юклangan илова сифатида биринчи ўринни эгаллади. Шунингдек, юклаганлар ўртасида Бразилия ва Индонезия аҳолиси бошқа давлатларни ортда қолдириди. Бу аввалимбор, карантин чекловлари дунё бўйлаб жорий этилгани, бўш вақт кўпайгани ва зерикиш ҳамда изоляция ҳиси ошгани билан боғлиқ. Бунинг тасдиғини, Qustodio таҳлилчилари сўнгти бир йил

¹ Электрон манба: <https://topspb.tv/news/2019/03/12/chto-takoe-vsemirnaya-pautina-i-chem-ona-otlichetsya-ot-interneta-spravka-k-30-letiyu-gipertekstovogo-proekta/> (мурожаат сана: 2020)

² Электрон манба: http://parliament.gov.uz/uz/events/other/2611/?sphrase_id=5639641 (мурожаат сана: 2020)

³ Электрон манба: <https://www.websitehostingrating.com/ru/internet-statistics-facts/> (мурожаат сана: 2021)

⁴ Сидорин А. Н. Прищепов В. М., Акуленко В. П. Вооруженные силы США в XXI веке: военно-теоретический труд. — М.: Кучково поле; Военная книга, 2013. — 800 с.

⁵ Крысько В. Г. Секреты психологической войны (цели, задачи, методы, формы, опыт). — Мн: Харвест, 1999. — 448 с. — URL: http://www.e-reading.club/bookreader.php/1005378/Vladimir_-_Sekrety_psihologicheskoy_voyny.html.

⁶ Сидорин А. Н. Прищепов В. М., Акуленко В. П. Вооруженные силы США в XXI веке: военно-теоретический труд. — М.: Кучково поле; Военная книга, 2013. — 800 с.

ичида ТикТокга сарфланадиган вақт коронавирус пандемияси тарқалишига мутаносиб равишда кўпайганилигини аниқлаганида кўришимиз мумкин. Масалан, Америка Кўшма Штатларида ўспиринлар видеоларни 116 фоизга, Испанияда эса 150 фоизга кўпроқ томоша қилишган¹.

Ёшлар ўзининг ТикТок саҳифасига истаган мавзусида қисқа давомли видеолар жойлаштиради. Ушбу илова нафақат зерикиш ва ёлғизликни давловчи восита, балки пул ишлашнинг самарали усули сифатида ҳам танилди: оммабоп блоггерлар ўз контентлари учун миллионлаб доллар оладилар. Бир йил ичида энг муваффақиятли учта ТикТок блоггерлари 11.9 миллион доллар ишлаб топгани сўзларимизга асос бўлиши мумкин². Ушбу саҳифа фойдаланувчилари асосан ёшлар бўлиб, энг кўп юкламаллар рақсга тушилган видеолар, чуқур маънога эга бўлмаган "прант" (пародия), "хайп" – яъни, агресив ва эътиборни жалб қилувчи реклама ҳамда истеъмолчининг талабарини шакллантирадиган контентли материалларини янгича креатив тарзда жойлаштириш учун фойдаланилмоқда.

2020 йилда кейинги ўриндаги янгилик сифатида пайдо бўлиб, глобал рейтингда ТОП-5 рейтингига кирган машҳур иловалардан бири бу ZOOM – онлайн конференциялар платформасидир. Ушбу илованинг танилиши ҳам карантин чекловлари билан боғлиқ бўлиб, умумжаҳон мuloқот воситасига айланди. Онлайн-дарс, конференция, йиғилиш ва дўстлар билан "кўришиш" имкониятини берувчи илова дунёнинг барча чеккасидаги инсонларни бирлаштиришга хизмат қилмоқда. Илованинг фойдали жиҳатлари жаҳонда тан олинишини, халқаро ташкилотлар ҳам ушбу платформа орқали илмий-амалий конференция, форум, ўқув курслари каби лойиҳаларни амалга оширганидан кўриш мумкин. Турли янги сўз иборалари: "ЗУМ авлод", "зумлашиш", "зумбомбинг" (иловадан фойдаланиш жараёнида бузғунчилик қилиб, қолган иштирокчиларга халақит бериш), "зум-болалар", "зум-оналар" ва ҳ.к.³ яратилишига сабаб бўлиши эса унинг умумжаҳон эътирофиға ҳисса қўшмоқда.

¹ Электрон манба: <https://rg.ru/2020/06/08/tiktok-pochti-dognal-po-populiarnosti-youtube-u-podrostkov.html> (мурожаат сана: 2021)

² Электрон манба: <https://lenta.ru/articles/2020/12/28/tiktok/> (мурожаат сана: 2021)

³ Электрон манба: <https://mel.fm/blog/tikhiye-yabloni/45072-zutory-i-kovidioty-a-takzhe-zum-mamyslovlar-pandemii> (мурожаат сана: 2021)

Замонавий технологиялардан фойдаланиш автоматик тарзда турли таҳдидларга дучор бўлиш хавфини вужудга келтиради. Дезинформация, номақбул идеология, кибер хавфсизлик, шахсий маълумотларнинг тарқалиши, инсоний муносабатларда яқинларнинг узоқлашиши, яъни виртуал танишув ва дўстларга эътибор кучайиб, оиласига эътиборни камайиши ва бошқалар. Афсус билан таъкидлаш жоизки, эр-хотин ажримлари сабабларида "Интернет орқали хиёнат" кабилар учрамоқда.

Маълум бир даражада, Интернет оммавий ахборот воситаларига ўхшайди. Бугунги кунда онлайн журналистика оммалашиб бормоқда, шунингдек, онлайн журналлар ва газеталар нашр этилмоқда. Аммо Интернет анъанавий оммавий ахборот воситаларига қараганда кўпроқ универсал ва глобал таъсир воситасидир. Бугунги кунда Интернет жуда арzonлашиши сабабли ҳам тобора оммалашмоқда.

Интернет фойдаланувчилари бўйича статистик таълил. Статистик маълумотларга кўра, 2007 йилда дунё бўйича 400 миллионга яқин Интернет фойдаланувчиси бўлган⁴. 2020 йил бошида 4,54 миллиарддан (2019 йил кўрсаткичга нисбатан 7%) ортиқ инсонлар Интернетдан фойдаланишни бошлади, ижтимоий тармоқлар аудиторияси эса 3,80 миллиарддан (2019 йилга нисбатан 9 %) ошиди.

2021 йил январь ойи кўрсаткичларига асосан, бугунги кунда, дунё бўйлаб 7,76 млрд аҳоли яшаб келмоқда, уларнинг 4,78⁵ миллиарди эса (деярли 60 фоизи) аллақачон интернетдан фойдаланади. Интернетдан фойдаланувчиларнинг 92% уяли алоқадан Интернетга кира олишини ҳисобга оладиган бўлсак, компьютерларнинг Интернетдан фойдаланишимизда муҳим роль ўйнашда давом этаётгани түғрисида кўплаб далиллар мавжуд. Мобил қурилмалар кенг фойдаланишига қарамай, 16 ёшдан 64 ёшгacha бўлган Интернет фойдаланувчиларининг тўртдан уч қисми ҳали ҳам ноутбук ва шахсий компьютерлардан Интернетга киришмоқда. Statcounter-нинг статистик маълумотларига кўра, Интернетдаги барча сўровларнинг тахминан 53% уяли телефонлардан

⁴ Галицкий Е.Б. Опросы «Интернет в России». 2002 [Электронный ресурс]. URL: www.fom.ru/reports/frames/body/o0209241.html

⁵ Электрон манба: <https://www.websitehostingrating.com/ru/internet-statistics-facts/> (мурожаат сана: 2021)

қилинган, шу билан бирга компьютерлар эса умумий соннинг 44 фоизини ташкил қилиб келмоқда¹.

Хусусан, сайёрамиздаги барча аҳолининг ярмидан ортиғи ижтимоий тармоқлардан фойдаланиши ҳақидағи фараз, ҳар йилнинг бошида нашр этиладиган Global Digital ҳисоботларини «We Are Social» ва «Hootsuite» платформаси бутун дунё бўйлаб рақамли бозорнинг ҳолатини таҳлилий натижаларига кўра тасдиқланди.

Бундай ҳолат юзага келишини бутун дунё глобал муаммога дуч келгани билан боғлаш мумкин. Маълумки, Covid-19, яъни коронавирус пандемияси бутун жаҳонни нафақат саросимага солди, балки интернетга тобеликни оширди. Карантин чекловлари сабабли уйга мажбурий "қамалиш", ўзини-ўзи яккалаш, барча ўқув ва кўнгилочар муассасаларнинг фаолияти тўхтатилиши интернетдаги ишончсиз ва дезинформатив аҳборотларнинг тарқалишига; таълим соҳасида онлайн-дарс дастурлари ишлаб чиқилишига ва янги дарс ўтиш шаклига ўтишга; соғлиқни сақлаш соҳасида эса тубдан ўзгартиришлар киритишга эҳтиёж ва мажбурият ошди.

Фойдаланувчи кунига қанча вақт Интернетда ўтказиши бўйича таҳлили доирасида, 2020 йилда ўрта статистик фойдаланувчи ҳар куни Интернетда 6 соат 43 дақиқа, яъни йилига – 100 кунини сарфлаши аниқланди. Демак, агар кунига ўртача 8 соат уйқуга ажратилса, бедор вақтнинг 40 фоизидан ортиғи Интернетда ўтказилади.

Умумлаштирганда, глобал Интернет аудиторияси 2020 йилнинг ўзида 1,25 миллиард фойдаланувчи йил давомида онлайн бўлади ва бу вақтнинг учдан бир қисми ижтимоий тармоқларда ўтади. Аҳолининг Интернетга сарфлаш вақти турли мамлакатларда сезиларли фарқ қилишига мисол тариқасида кейинги маълумотни тақдим этамиз.

Филиппинда кунига 9 соат 45 минут, Японияда 4 соат 22 минут. Россияда эса ҳар куни 7 соат 17 дақиқа Интернетдан фойдаланади. Ўзбекистон ёшлари ўртасида ўтказилган тадқиқот натижаларига қўра қуйидаги кўрсаткичлар: 15 дақиқадан 1 соатгача – 30%; 1 соатдан 3 соатгача – 36%; 3 соатдан кўпроқ – 12% ёшларни ташкил этса; 21% – бу борада ўзини чегараламасликлари (ҳисоб-китоб юритмаслиги) аниқланди².

¹ Электрон манба: <https://gs.statcounter.com/platform-market-share/desktop-mobile-tablet> (мурожаат сана: 2021)

² Ёшлар ишлари агентлиги хузуридаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти. "Ёшларнинг АҚТдан фойдаланиш даражаси

Алоҳида таъкидлаш жоизки, блогларнинг оммалашиб бориши, фойдаланувчиларнинг фикр-мулоҳаза ва қарор қабул қилишига таъсири ошишини кўрсатмоқда: 81% интернет-фойдаланувчилар блоглардан топилган аҳборотга ишониши, 61% АҚШ онлайн-истеъмолчилари эса блог тавсиясига асосан харидлар қилганлиги мисол бўла олади.

Ўзбекистон Интернет сектори ривожланиши юқори даражада долзарблигини намоён қилиш учун, республикамиз бўйлаб қайд этилган статистик кўрсаткичларга бироз тўхталиб ўтамиз. 2016 йил Internet Live Stats³ рейтингида 201 та давлат кўрсаткичлари ўрганиб чиқилган. Унда Ўзбекистонда Интернетдан фойдаланувчилар сони 15,45 миллиондан ортиқ кишини ташкил этган, бу ўз ўрнида, мамлакат аҳолисининг 51 фоизига тенг кўрсаткич. Хусусан, ушбу умумий рейтингда Ўзбекистон 37-ўринни эгаллади. 2018 йилга келиб эса ушбу кўрсаткич 20 миллиондан ортгани эълон қилинган⁴.

Ўзбекистонда интернет хизматидан фойдаланувчиларнинг 2020 йил якунида нашр этилган ҳисоботда фойдаланувчилар сони – 22,1 миллиондан ошгани ҳамда улардан мобил интернет фойдаланувчилари сони 19 миллион кишини ташкил этгани маълум бўлди⁵. Таъкидлаш жоизки, юқоридаги кўрсаткичларнинг 60 фоизи ёшларга тўғри келиб, Интернет ва ижтимоий тармоқлардан фаол фойдаланиши билан асосланади.

Ёшларнинг интернетдан фойдаланиши бўйича тадқиқот натижалари. Хусусан, ёшлар аҳборот манбаларидан фойдаланишда таълим 27%, ижтимоий-сиёсий жараёнлар 25%, спорт 16%, маънавий-ахлоқий, тарбиявий 11%, ҳуқуқий 8%, кўнгилочар 8% ҳамда диний 5% характердаги аҳборотларга мурожаат қилишлари аниқланган.

Ушбу ҳолат, кундалик ҳаётда ёшларнинг кундалик ҳаётида кузатилаётган муҳим ижтимоий-сиёсий жараёнлар ҳақида маълумотларни кўпроқ излашлари, маънавий-ахлоқий ва ҳуқуқий маз-

ва уларда аҳборот истеъмоли маданиятини шакллантириш борасидаги муаммолар"тадқиқоти натижалари. - Т.: 2019."

³ Электрон манба: <http://stv.uz/news/newsuz/5136-uzbekistan-zanimaet-37-mesto-v-mire-po-kolichestvu-internet-polzovateley.html> (мурожаат сана: 2020)

⁴ Электрон манба: <http://infocom.uz/2018/01/26/kolichestvo-internet-polzovatelej-v-uezbekistane-prevysilo-20-millionov/>; (мурожаат сана: 2020)

⁵ Электрон манба: <https://www.gazeta.uz/ru/2020/12/11/network/> (мурожаат сана 2020)

мундаги ахборотларга эса нисбатан камроқ мурожаат қилишини намоён бўлмоқда. Бундан ташқари, ёшларнинг 85 фоизи Интернетдан, улардан 76 фоизи асосан уяли телефондан фойдаланиши аниқланди. Бундан ташқари, тадқиқотда иштирок этган респондентларнинг 80 фоизи ижтимоий тармоқ ва мессенжерлардан фаол фойдаланишларини қайд этган бўлиб, бунинг асосий сабаблари – дўйстлар ва бошқалар билан мулоқот қилиш истаги ҳамда турли мавзулар бўйича фикр ва мулоҳазалар билдириш мумкинлиги билан боғлиқ.

Жумладан, "Телеграмм" тармоғи 44%, "Инстаграм" 32%, "Фейсбуқ" 12%, "Одноклассники" 11% ва "В контакте" тармоғидан 1% ёшлар фойдаланиши маълум бўлди. Ёшлар томонидан асосий маълумотларни олишда маҳаллий веб-саҳифаларнинг ижтимоий тармоқлардаги гурӯҳ ва каналлар ҳамда хорижий оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланиши кузатилмоқда. Хусусан, тадқиқотда иштирок этган ёшларнинг 68% интернет тармоғидаги ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари орқали хорижий оммавий ахборот воситалари хабарларини кузатиб боради.

Алоҳида қайд этиш жоизки, респондентларнинг ҳар иккинчиси 50,3% мазкур ахборот манбаларида ёритилган маълумотларга тўла ёки қисман ишонишини таъкидлаган. Шу билан бирга, ёшлар маҳаллий веб-сайтлардан фойдаланишида кўпроқ нодавлат ахборот манбаларига қизиқишининг юқорилиги ва уларга кўпроқ ишониши аниқланди.

Таъкидлаш жоизки, ёшларнинг Интернетдан уй шароитида (44%) ва ўқишида (22%) кўпроқ фойдаланишлари билан бирга, респондентларнинг ҳар иккинчиси Интернетдан фойдаланганда ҳайратланиш, хурсандчилик ва қизиқишини ҳис этишини билдириб, 1/3 қисми ҳеч қандай ҳиссиёт уйғонмаслигини қайд этган.

Юқорида келтирилган рақамлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон аҳолиси рақамли дунё билан ҳамоҳанг қадам қўймоқда ва барча янгиликлар, трендлардан боҳбар бўлмоқда. Яна бир бор таъкидлаш жоизки, ушбу кўрсаткичлар юқори бўлишига ва дунё талабларига тўлақонли жавоб берга олишда ёшларимизнинг ўрни беқиёс. Мамлакатимиз ўз ёшларида ишончли ахборот манбаларини топиш, ундан фойдаланиш, таҳлил қилиш, ахборотни тақдим этишини ўрганиш, яъни умуман олганда, ахборот хавфсизлиги маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш зарурати ошиб

бормоқда. Нафақат Ўзбекистонда, балки бутун рақамли дунё, жамият ва ёшларнинг ривожланишида ушбу муаммоларга эътиборни қаратиш энг долзарб масалалардан бирига айланмоқда.

Хулоса ва таклифлар.

Биринчидан, ёшлар кун давомида ижтимоий тармоқлар учун салмоқли вақт сарфлайди ва Интернет ёшлар ҳаётининг ажралмас қисмiga айланган.

Иккинчидан, АКТ бўйича дарслар мактабдан бошлаб ўқитилади, бироқ, бу илмий соҳада кўникма ва ориентация кўникмалари, касбий маълумот, танқидий таҳлил ва ахборотни аналитик-синтетик қайта ишлаш усуслари ўзлаштиришини шакллантиримайди.

Учинчидан, ўзбекистон талабаларининг интернет майдонидаги маълумотлардан фойдаланиш ва таяниш даражаси юқори бўлганлиги сабабли, уларда фикрлаш, ижод қилиш, янгилик яратиш хусусиятлари ривожланмай қолаётгани ва умумжаҳон компетенция стандартларини шаклланмаётганинидан иборат.

Тўртинчидан, ёшларнинг Интернетдан уй ва ўқиши шароитида кўпроқ фойдаланишларини инобатга олиб, уларнинг ота-онаси ёки ўрнини босувчи шахсларнинг таъсири ва ролини ошириш тақозо этилади.

Ёшларнинг ахборот истеъмоли маданиятини шакллантиришдаги долзарб муаммоларни ҳал этиш бўйича қуйидаги таклифлар илгари сурилади:

- таълим муассасаларининг ўқитувчи, педагог ва мутахассисларининг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида билим ва кўникмаларни ошириш орқали, ўқувчи ва талабалар билан ишлашда самарали натижага ҳамда уларни Интернетдан фойдаланишда тўғри йўналтиришни таъминланишига эришиш;

- ота-оналарнинг ўз фарзандларида Интернетдан фойдаланиш маданиятини ривожлантириш, назорат қилиш бўйича масъулиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар, хусусан, ижтимоий роликлар ишлаб чиқиш ва тарғиб қилиш;

- мамлакатимиз ёшлари ишончли ахборот манбаларини топиш, маълумотлар обьективлигига баҳо бериш ва тақдим этишга ўргатиш ва таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш мақсадида «Шахснинг ахборот маданияти асослари», «Ахборот маданияти», «Мутахассиснинг ахборот маданияти» каби факультативларини ўкув дастурига киритишни кўзда тутиш.

Адабиётлар рўйхати:

1. Information technology — Vocabulary: knowledge concerning objects, such as facts, events, things, processes, or ideas, including concepts, that within a certain context has a particular meaning. ISO/IEC 2382:2015
2. Libicki M. What is information warfare? – <http://www.ndu.edu/>, 15.07.04г; Schwartau W. An Introduction to Information Warfare // War in the information Age. New Challenges for US Security Policy. – Washington etc., 1997; Stein G. Information War – Cyberwar – Netwar // http://www.infowar.com/mil_34i/stein1.html-ssi, 21/05.04.
3. Galitsky B. Polls «Internet in Russia». 2002 [Electronic resource]. 2002. www.fom.ru/reports/frames/body/o0209241.html (date of appeal: 2020)
4. Institute for Research of the Youth Problems and Training Prospective Personnel under Youth Affairs Agency of the Republic of Uzbekistan The results of the study «The level of youth use of ICT and the problems of forming a culture of information consumption in them» T., 2019.
5. Cybernetics, or management and communication in the animal and the machine; or Cybernetics and Society / 2-e edition. - M.: Science, 1983. — 344 p.
6. Krysko V.G. Secret psychological warfare (purpose, task, method, form, experience). - Mn: Harvest, 1999. — 448 p. — URL: http://www.e-reading.club/bookreader.php/1005378/Vladimir_-_Sekrety_psihologicheskoy_voyny.html.
7. Kuznetsov I.N. Internet in educational and scientific work: A practical guide. - 2nd ed. - M.: Publishing and Trade Corporation «Dashkov and Co», 2005. – 192 p.
8. Kuznetsova Yu.M., Chudova N.V. Psychology of Internet residents. M.: Publishing house of LCI, 2008. 224 p.
9. Mikhailov L.A. Fundamentals of National Security: a study guide. M.: Academy, 2008. 270 p.
10. Rysin Yu.S. Social and informational dangers of television and radio broadcasting and information technologies. M.: Helios ARV, 2007. 272 p.
11. Sidorin A.N., Prishchepov V.M., Akulenko V.P. US Armed Forces in the 21st Century: A Military Theoretical Work. - M.: Kuchkovo field; Military book, 2013. – 800 p.
12. Political text analysis (methodology, theory, practice). - T.: "Academy", 2010.
13. Smolyan G.L. Network information technologies and problems of personal security // Information Society. 1999. №1. S. 21–25.
14. Solomenchuk V.G. Internet: Short course. SPb.: Peter, 2001 – 322 p.
15. Electronic resource URL: http://economic-definition.com/Media/Informaciya_Information_eto.html (date of appeal: 2020).
16. Electronic resource URL: <http://infocom.uz/2018/01/26/kolichestvo-internet-polzovatelej-v-uzbekistane-prevysilo-20-millionov/> (date of appeal: 2020).
17. Electronic resource URL: http://parliament.gov.uz/uz/events/other/2611/?phrase_id=5639641 (date of appeal: 2020).
18. Electronic resource URL: <http://stv.uz/news/newsuz/5136-uzbekistan-zanimaet-37-mesto-v-mire-po-kolichestvu-internet-polzovateley.html> (date of appeal: 2020).
19. Electronic resource URL: <https://gs.statcounter.com/platform-market-share/desktop-mobile-tablet> (date of appeal: 2021).
20. Electronic resource URL: <https://lenta.ru/articles/2020/12/28/tiktok/>; (date of appeal: 2021).
21. Electronic resource URL: <https://lex.uz/docs/3893085> (date of appeal 2020).
22. Electronic resource URL: <https://mel.fm/blog/tikhiye-yabloni/45072-zutory-i-kovidioty-a-takzhe-zum-mamy-slovar-pandemii> (date of appeal: 2021).
23. Electronic resource URL: <https://rg.ru/2020/06/08/tiktok-pochti-dognal-populiarnosti-youtube-u-podrostkov.html>; мурожаат сана: 2021.
24. Electronic resource URL: <https://t.me/huquqiyaxborot/8777> (date of appeal 2020).

25. Electronic resource URL: <https://topspb.tv/news/2019/03/12/chto-takoe-vsemirnaya-pautina-i-chem-ona-otlichaetsya-ot-interneta-spravka-k-30-letiyu-gipertekstovogo-proekta/> (date of appeal: 2020).
26. Electronic resource URL: <https://www.gazeta.uz/ru/2020/12/11/network/> (date of appeal 2020).
27. Electronic resource URL: <https://www.websitehostingrating.com/ru/internet-statistics-facts/>; (date of appeal: 2020).
28. Electronic resource URL: <http://ru.wikipedia.org/wiki/Интернет>; (date of appeal: 2020).
29. Electronic resource URL: <http://ru.wikipedia.org/wiki/Информация> (date of appeal: 2020).
30. Electronic resource URL: <http://ru.wikipedia.org/wiki/Интернет> (date of appeal: 2020).
31. Yusupov R.M. Science and National Security. SPb.: Science, 2006. 290 p.